

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

*«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Матбуот тарқатувчи» АК
Кузатув кенгаши
2015 йил 21 август
10-баённомаси*

*“Матбуот тарқатувчи” АК
Кузатув кенгашининг
2015 йил ___ май мажлиси
кун тартибига илова*

2015-2018 йилларда даврий матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини ривожлантириш

ДАСТУРИ

Тошкент-2015

МУНДАРИЖА

- I. Компаниянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари.
- II. Компаниянинг ташкилий тузилмаси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
- III. 2011-2014 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш
Дастурининг бажарилиши.
- IV. 2015-2018 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш
Дастурининг мақсади ва вазифалари ҳамда модернизация қилишнинг асосий
йўналишлари.
- V. Дастурнинг амалга оширилиши бошқичлари ва молиявий манбалари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 13 сентябрдаги “Даврий матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 418-сонли қарорига асосан “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси ташкил топган.

I. Компаниянинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари

- Республика аҳолисининг Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг даврий матбуотига бўлган эҳтиёжини қондириш;
- даврий нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил этиш;
- даврий матбуот нашрларини чакана савдо дўконлари тармоғи ва обуна орқали тарқатишни таъминлаш;
- чакана савдо дўконлари тармоғини оқилона ва самарали жойлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти корхоналари билан биргаликда даврий матбуот истеъмолчиларига ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, даврий матбуотга обуна бўлишни ташкил қилиш ва унинг алоқа бўлимлари тармоқлари орқали сотилишини таъминлаш;
- даврий матбуот тарқатиш соҳасида аҳолига қўшимча хизмат кўрсатиш тизимини тақил этиш.

II. Компаниянинг ташкилий тузилмаси ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

«Matbuot tarqatuvchi» Акциядорлик компанияси ташкил этилганлиги Республикада даврий нашрларни обуна ва чакана савдо орқали тарқатиш борасида мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиш, соҳани ягона тартиб ва ҳуқуқий асосда бошқариш, халқни даврий матбуот нашрлари маҳсулотлари билан таъминлаш, тармоқни янги замонавий воситалар билан ривожлантириш ва кенгайтиришга кенг йўл очиб берди.

«Matbuot» киоскларида даврий нашрларнинг (газета-журнал) чакана нархини камайтириш ва иш унумдорлигини ошириш мақсадида, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келган «Матбуот тарқатиш уюшмаси» очик акциядорлик жамияти 2004 йилда «Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компаниясига бирлаштирилди. Бугунги кунда эса, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Фарғона, Наманган вилоятларидаги «Matbuot tarqatuvchi» масъулияти чекланган жамиятлари компанияга бирлаштирилиб, Компаниянинг шуъба корхоналари кўринишида қайта ташкил этилди. Сирдарё вилоятида Компания шуъба корхонаси янгитдан ташкил этилди.

"Шарқ" НМАК билан газета журналларни экспедиция қилиш ва "Халқаро почта" филиали билан Республика вилоятларига самолёт ва автомобиллар орқали етказиб беришни амалга ошириш бўйича тузилган шартномалар асосида даврий матбуот нашрлари вилоят марказларигача етказиб берилди.

Даврий матбуот нашрларини муштарийларга вақтида етказиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳрида автомашиналарни ҳаракатланиш йўналишлари (халқалар) ишлаб чиқилиб, фойдаланишдаги автомашиналар билан таъминланган.

Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида даврий матбуот нашрлари обуна каталоглари киритилган Компания веб-сайти фаолият олиб бормоқда.

Соҳага инновация янгиликларини киритиш, инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда Республика аҳолисини даврий матбуот нашрларига бўлган

эҳтиёжини қондириш, автоматлаштирилган тизим орқали обуна уюштириш, ҳужжатларга ишлов беришда тез ва сифатли хизмат кўрсатилишини йўлга қўйиш мақсадида обуна тизимини модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Компания томонидан “Даврий нашрларга обунани қабул қилиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш бўйича Дастур” ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатувчи корхоналарда жорий этилди.

Даврий нашрларга обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Республикамиздаги барча йирик вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, ҳокимликлар ҳамда корхоналарга обуна каталоглари етказиб берилмоқда.

Компаниянинг автоматлаштирилган обуна тизими орқали республикамиз бўйича обуна базаси шакллантирилади.

Ушбу обуна базасидан фойдаланилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасига ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга даврий нашрлар, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига соҳадаги даврий нашрлар, вазирликларга тегишли даврий нашрлар бўйича ҳамда таҳририятларга уларнинг нашрлари обунаси бўйича белгиланган муддатларда маълумотлар тақдим этиб келинмоқда.

Компанияда даврий нашрларни чакана савдо орқали тарқатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Matbuot tarqatuvchi» акциядорлик компанияси, «Matbuot» киосклари орқали аҳолига қуйидаги кўшимча хизмат турлари кўрсатишни йўлга қўйилди:

Компания ва унинг таркибидаги шуъба корхоналар тасарруфидаги даврий матбуот нашрлари сотувини уюштириб турган «Matbuot» киоскларида аҳолига барча қулайликлар яратиш мақсадида турли телефон тўлов карточкалари сотувини уюштириш ва ривожлантириш;

Тошкент шаҳрида жойлашган «Matbuot» киоскларида эълонлар чоп этувчи газеталар билан ҳамкорликда, аҳолидан газеталарга эълонларни қабул қилиш хизмати жорий этилди;

Компания ва унинг таркибидаги шуъба корхоналарда “O’zbekiston pochta” АЖ билан келишилган ҳолда почта конвертлари ва филателия маҳсулотини сотишни ташкил қилинди;

«Matbuot» киосклари орқали барча байрам ва тантаналарга мўлжалланган табрик откриткалари савдосини ташкил қилинди;

«Matbuot» киоскалари орқали даврий матбуот нашрларига обуна уюштирилди. Обуна уюштириш билан боғлиқ реклама маҳсулоти билан киоскани безаш ишларини амалга оширилди.

III. Компаниянинг 2011-2014 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш Дастурининг бажарилиши

Компаниянинг 2011-2014 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш Дастури Кузатув кенгаши томонидан муҳокама қилиниб 2010 йил 11 ноябрда тасдиқланган эди.

Ушбу Дастур бажарилиши Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2011 йил 4 февралдаги 43-сонли буйруғига асосан, 2011 йил 25 июлда тасдиқланган чора-тадбирлар режа ва тармоқ графикларига биноан амалга оширилди.

Даврий матбуот нашрларини муштарийларга вақтида етказиш, аҳолига хизмат кўсатиш сифатини янада такомиллаштириш мақсадида Тошкент шаҳри ва жойларда даврий нашрларни тарқатиш халқалари қайта кўриб чиқилиб, ўзгартиришлар киритилди, фойдаланишдаги автомашиналар билан таъминланганлиги ўрганиб чиқилди.

Компания “Матбуот” киоскларининг ташқи кўриниши Интеллектуал мулк агентлигида саноат намунаси сифатида тасдиқланди.

Дастурда белгиланган Компания ва вилоят корхоналари маъмурий биноларини таъмирлаш ва туман бўлимларига бино қуриш бўйича жумладан, Компания бошқаруви, Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятлари маъмурий бинолари замонавий андозаларда таъмирланди.

Шунингдек, Хўжаобод тумани (Андижон), Пешку тумани (Бухоро) ва Шеробод тумани (Сурхондарё) бўлимларининг маъмурий бинолари қайта қурилди. Наманган вилояти шўба корхонасининг янги маъмурий биноси сотиб олинди. Бугунги кунда Марғилон шаҳри (Фарғона) бўлимининг маъмурий биноси қурилмоқда.

Муштарийларга қулайлик яратиш мақсадида янги киосклар жойлаштирилди.

Компания тасарруфидаги “Матбуот” киоскларини Дастур асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Компания ва вилоят корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида компьютер техникаларини харид қилинди.

Компания бухгалтерияси, чакана савдо бўлинмалари фаолияти ва нақд пул қабул қилиш тизими, чакана савдо оморларидаги товар-моддий бойликларнинг ҳисоб китобларини автоматлаштириш дастурлари такомиллаштирилди.

Компания веб-сайти орқали даврий нашрларга интернет обуна қабул қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида Компаниянинг веб-сайти янгиланди ҳамда интернет орқали расмийлаштириладиган обуна учун электрон тўлов тизимлари бўйича маълумотлар жойлаштирилиб, обуначи “Web-sum” электрон тўлов тизими ва “Click” тўлов тизими орқали обуна тўловларини амалга ошириши, шунингдек АТ “Алоқабанк” мижозлари “интернет банкинг” дастури орқали тўловларини амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Компания вилоят корхоналарида даврий нашрларни ташиб бериш жараёнида фойдаланувчи автотранспортларни янгиланди.

Компания ва тизим корхоналари ходимлар таркибини сифат жиҳатидан ошириш, муомила маданиятини ривожлантириш мақсадида Дастурда белгиланган ходимларнинг малакаси ошириш ишлари амалга оширилди.

Компания ва вилоят корхоналарида қўшимча ва янги хизмат турларини жорий этилди.

2011-2014 йиллар давомида ушбу Дастур бажарилишига Компания ва тизим корхоналари ўз маблағлари ҳисобига 5 737 712,0 минг сўм сарф этилди.

IV. 2015-2018 йилларда даврий нашрларни тарқатиш тармоғини ривожлантириш Дастурининг мақсади ва вазифалари асосий йўналишлари

Компания томонидан “Даврий нашрларга обунани қабул қилиш бўйича ишлаб чиқариш жараёнида ахборот технологияларини жорий этиш” Дастурининг асосий мақсади тизимга инновация янгиликларини киритиш ҳамда республика аҳолисини даврий матбуот нашрларига бўлган эҳтиёжини қондириш, автоматлаштирилган тизим орқали обуна уюштириш, ҳужжатларга ишлов беришда тез ва сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида обуна тизимини модернизация қилиш ҳамда даврий матбуот тарқатиш тизимини замонавийлаштиришдан иборат.

Тармоқни замонавийлаштириш Дастурининг асосий йўналишлари:

Ишлаб чиқариш, эксплуатация, хизмат кўрсатиш ва савдо тизимини янгилаш, тизимдаги вилоят корхона ва жамиятларни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ахборот-коммуникация ва автотранспорт тармоғини ривожлантириш йўналиши.

Компания маъмурий биноси замонавий андозаларда жорий таъмирланиб ходимларнинг иш шароитлари яхшиланади.

Андижон вилоятида 5та, Наманган вилоятида 3та, Сурхондарё вилоятида 2та ва Фарғона вилоятида 1та туман бўлинмалари маъмурий бинолари жорий ҳамда капитал таъмирланади.

Бухоро вилояти маъмурий биноси сотиб олиншига сарфланган кредит маблағлари қопланади.

Аҳоли гавжум жойларга янги турдаги замонавий киосклар жойлаштирилади:

Тошкент шаҳрида 10та, вилоятларда 41та.

Янги турдаги киосклар хажми эски киосклардан кенглиги сабабли, киоскда сотиладиган даврий нашрлар ассортиментни, шу жумладан китоблар сотуви кўпайтирилади.

1100 дан ортиқ “Матбуот” киоскларидида Компания товар белгисини жойлаштириш ва уни реклама қилиш натижасида муштарийлар орасида Компанияга тегишли киоскларни ажратиш осонлашади ва Компания имиджи сақланади.

Фойдаланилаётган “Матбуот” киосклари шаҳарсозлик талабларига мос равишда жорий ва капитал таъмирланади: Тошкент шаҳрида 80 / 15 та, вилоятларда 444 / 52 та.

Тошкент шаҳрида 550 дона ва вилоятларда 492 дона мебель инвентарлари билан жиҳозланиб иш шароитлари яхшиланади ва миқдорларга қулайликлар яратилади.

26 дона «Damas» автомобилларини сотиб олинши натижасида даврий нашрларни тез ва сифатли етказиб беришга эришилади. Шу билан бирга автомашиналарни таъмирлаш учун сарфланадиган харажатлар қисқаради ва автопаркдан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Даврий нашрлар тарқатиш соҳасида ахборот-телекоммуникация технологиялари инфраструктурасини модернизация қилиш, ахборот системалари ва дастурларини жорий этиш ва ривожлантириш йўналиши.

Фойдаланилаётган серверларга қўшимча равишда 1 дона янги сервер сотиб олинб, Компания томонидан жорий қилинадиган ахборот дастурлари ва ресурслари ишлаши ва уларнинг ахборот хавфсизлиги таъминланади.

Тошкент шаҳрида 31 дона ва вилоятларда 134 дона янги компьютер техникаларини харид қилиб фойдаланиш натижасида барча тизим корхоналари ягона тизимга уланиши осонлашади ва янги ахборот ресурсларини жорий қилишга эришилади.

Компаниянинг ишлаб турган “Автоматлаштирилган обуна тизимини”ни учинчи маротаба модернизация қилинади. Ушбу тизимга барча вилоят корхоналари туман бўлимлари боғланади. Натижада даврий нашрларга обуна уюштириш тезлашади, обуна ҳужжатлари расмийлаштирилиши ва обуна етказиб берилиши назорати кучайтирилади.

Автотранспорт воситалари ҳаракатини назорат қилиш автоматлаштирилган тизимига Тошкент шаҳрида фойдаланиладиган 20 дона автотранспортлар GPS-треккерлар билан таъминланиб уларнинг ҳаракати назорати кучайтирилади.

Тизим корхоналарида ва ҳозирда фойдаланилаётган дастурларни модернизация қилиниши ҳамда бухгалтерия ҳисоби автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этилиши натижасида асосий воситалар, товар бойликлари, пул маблағлари ҳисоблари ва персонал бўйича маълумотлар автоматлашган ҳолда назорати енгиллашади. Бунда, бугунги кунда фойдаланилаётган Компания автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастури модернизация қилинади.

“Алском” компаниясининг “Суғурта хизматлари” автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш натижасида киоскларда қўшимча хизмат турлари кўрсатилади.

Тизимда интерактив хизматларни ривожлантириш йўналиши.

Бугунги кунда кўрсатилаётган интернет орқали даврий нашрларга обуна уюштириш хизмати ривожлантирилиши натижасида муштарийларга қулайликлар кенгайтирилади, обуна тўловларини пластик карточкалар орқали қабул қилишни ташкиллаштирилади.

“Матбуот” киосклари дислокациясини веб-сайт харитасида жойлаштириш натижасида муштарийларга қўшимча қулайликлар яратилади.

Бугунги кунда ишлаб турган Компания веб-сайт орқали таҳририятлар билан тезкор ахборот алмашиш тизими маълумотлари кенгайтирилади ва тизим ривожлантирилади. Таҳририятларга маълумотлар тақдим этиш орқали ҳамкорликлар кенгайтирилади.

Тизим ходимлари таркибини шакллантириш, малакасини ошириш, янги ишчи ўринлари яратиш, қўшимча хизмат турларини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўналиши.

Ҳар йили даврий нашрлар тарқатиш соҳасида фаолият олиб борувчи 500 дан ортиқ ходимлар, киоск сотувчилари ва АКТ бўйича мутахассислари малакасини ошириш кенг йўлга қўйилади. Жойларда етук малакали мутахассисларни таклиф этган ҳолда зарур ўқишлар ташкил этиб, иш фаолияти юзасидан кўпчилик билан муомалада бўладиган кадрларни муомала маданияти бўйича ўқитилади.

“Матбуот” киоскларида интернет ва телефон карточкалари сотиш, нусха кўпайтириш ва телефон факс хизматларини кўрсатишни кенгайтириш натижасида муштарийларга қўшимча қулайликлар яратилади.

Тошкент шаҳрида 10та ва вилоятларда 24та нусха кўпайтириш аппаратлари жойлаштирилади.

V. Дастурнинг амалга оширилиши босқичлари ва молиявий манбалари.

Даврий нашрларни тарқатиш тармоғини замонавийлаштириш мақсадида келгусида Компания тизимидаги корхоналар бўйича маъмурий биноларини таъмирлаш, киоскларни жорий ва капитал таъмирлаш, янги киоскларни жойлаштириш режалаштирилган.

Шу билан бирга, Компания корхоналарининг автомобиль паркинни янгилаш мақсадида автомашина сотиб олиш ҳамда корхоналарда офис мебелларини янгилаш ва компьютер техникаларини сотиб олиш режалаштирилган.

Дастур 2015-2018 йиллар давомида уни бажарилиши чора тадбирлари режасига асосан олиб борилади.

Дастурнинг асосий молиявий манбалари булар – Компания активлари, хусусий сармояси, резервлари (заҳиралари) ва даромадларидир.

“2015-2018 йилларда даврий матбуот нашрларини тарқатиш тармоғини ривожлантириш Дастури” доирасида кейинги йилларда Компания амортизация ажратмалари, соф фойдаси ва вилоят корхоналари амортизация ажратмалари ва соф фойдалари ҳисобига - **2 524,3 млн.** сўм сарфланиши режалаштирилган (дастурни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси илова қилинади).